

ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)

ОИД ШАРТНОМА № 46

Самарканд шаҳри

4.11. 2022 йил

“Сўви тежасидиган технологияларилмий-тадқиқот кансалтин маркази” кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Узининг устави асосида иш юритувчи директори И.Э.Махмудов номидан, бир томондан ва Самарканд СОФБ, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи А.Суюнов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га Қорасув ва Собирсой сув омборлари лойқа-чўкиндилар миқдорини SONTEC S5 русумли доплер-профилограф ва HD-MAX эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш (кейинги уринларда «Хизматлар» деб юритилади) хизмат курсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

№	Товар иш хизмат номи	Улчов Бирлиги	Сон и	Бир бирлик иш(хизмат) нархи	ҚҚС 15%	Баҳоси
1	<u>Мўминобод Сув омбори сизимини махсус асбоблар билан ўрганиш ва уларнинг сизимига аниқликлар киритиш</u>	услуга	1	34347826.09	5152173.91	39 500 000
	Жами					39 500 000

Сумма сўз билан : 39 500 000.00 (Уттиз-тўққиз миллион беш юз минг) сўм 00 т. Шундан ҚҚС 5 152 173.91 сўмни ташкил қилди.

1.1. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркиби қисми ҳисобланган 1-2 иловада келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бераладиган курсатилишини буюртмага мувофиқ тегишли сифатга эга булган хизматлар курсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга булмаган «хизматлар» курсатилган тақдирда уз танлашига қура:
 - зарур сифатга эга булмаган «Хизматлар» шунга ухшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;
 - «Хизматлар»нинг қамчиликлари бепул бартараф этилишини ёки қамчиликлар «Буюртмачи» ехуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланиши «бажарувчи»дан талаб қилиш ва йигирма икки иш қунидан кечикган хар бир қуни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан туланиш

2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1 «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «бажарувчи» билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Уз буюртманомаси буйича курсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида курсатилган нарх буйича, қабул қилиш

-топшириш далолатномаси имзолаган пайдан бошлаб, газначилик булими руйхатидан утказгандан сунг 15 кун мобайнида хак тулаш.

2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларига эга:

2.3.1. Курсатилган «Хизматлар» учун олдиндан хак туланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини «буюртмачи» дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик курсатилган «Хизматлар»ни кабул килиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «буюртмачи»дан талаб килиш;

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бошкармасида руйхатдан утказилгандан сунг «Хизматлар»ни курсатиш:

2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофик ёки «Буюртмачи»томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда курсатиш;

2.4.3. Агар «Хизматлар»ни курсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул куйган булса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 1 йил муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Бажарувчи томонидан 30% олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг “хизматлар”ни 90 иш кун давомида тулик бажариб бериш ва йигирма икки иш кунидан кечикган хар бир куни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан копланиш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси 39 500 000.00 (Ўттиз тўққиз миллион беш юз миң) сумни ташкил этади. Бажарилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ташкил килади. Колган 70 % ни «Хизматлар» курсатилгандан сунг утказиб берилади. Курсатилган «Хизматлар»нинг бахоси мазкур шартномага илова курсатилган.

3.2. Курсатилган «Хизматлар» учун пул кучириш йули билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар»кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. «Буюртмачи»нинг хисоб-китоб хужжатида газначилик булинмаларининг штампда курсатилган сана «Хизматлар»га хак тулаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда курсатилган «Хизматлар»ни кабул килишни рад этишга хаклидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортикча бир ноида «Хизматлар» курсатилиши Ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги курсатилмаган «Хизматлар» урнини тулдириш сифатида каралмайди ва курсатилмаган «Хизматлар»нинг урни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатиладиган холлар бундан мустасно.

4.6. Курсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади. Далолатномада курсатилган «Хизматлар» микдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» курсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки «буюртмачи»нинг буюртномаси курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда «Бажарувчи» буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтарини юритилади.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртномани бекор килишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли кисмларини курсатиш санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда «Бажарувчи»ни буюртномада курсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор килади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган «Хизматлар» сифат, микдори «Бажарувчи» томонида нотугри аникланишини, уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» курсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган Ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотугри ҳисоб-китобкилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.2. Агар курсатилган «хизматлар» нинг сифати ассортиментини навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «хизматлар» кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.3. «Хизматлар» курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи»га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак бўлган «Хизматлар»нинг 25 фоизи микдорида жарима тулайма. Жаримадан ташқари «Бажарувчи» «Буюртмачи» га «Хизматлар» курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «хизматлар» кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томони шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вақтида туланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи» нинг жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари

бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам қуриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контракция шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижада етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

5.9. Бажарилган (таъмирланган) ишдан чиқган ишлатилиб эскирган (қуйган) рангли металллар белгиланган тартибда бажарувчи томонидан буюртмачи томонга қайтарилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли массалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қура, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини қурадилар,

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва назоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

7.1. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугаланган тақдирда тухтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувга асосан еки Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3. 39 500 000.00 (Ўттиз тўққиз миллион беш юз минг) сўмлик, № _____ сонли шартнома _____ . 2022-йилда 2 нусхада тузилган бўлиб тузулган вақтдан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал

килинади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилояти буйича газначилик бошқармасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

8.ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларининг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларининг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларининг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (кушимчалар) руйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи:

Буюртмачи:

Сувни тежайдиган технологиялар илмий-тадқиқот кансалтин маркази

Самарқанд сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси

Тошкент ш. Мирзо-Улугбек т. массив Кара-Сув-4 д 11

Р/с: 20208000900342278001

Банк реквизитлари: ТОШКЕНТ Ш., "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ МИРЗО УЛУГБЕК ФИЛИАЛИ

МФО : 01103 ИНН: 302938752

Самарқанд ш. Тагарин 70

Х/р: 10002186018401704240 2170015

Марказий банк Х'Р'КМ

Тошкент ш

МФО: 00014 ГИИИ: 306700747



Директор

И.Махмудов

Хуқуқ шўноқ имзоси



Бошқарма бошлиғи

А.Суюнов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд вилояти сув
омборларидан фойдаланиш
бошқармаси бошлиғи

А.Суюнов

Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Мўминобод сув омборини лойқа-чўкиндилар миқдорини GPS қурилмали охирги русумдаги доплер-профилограф ва GPS қурилмали эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарқанд шаҳри

« 3 » 19 2022 й.

Раислик қилувчи

И.Турсунов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

И.Хомидов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

А.Мустафаев

Комиссия аъзоси, Бош энергетик

Д.Жуманов

Комиссия аъзоси, Бош механик

М.Базаров

Комиссия аъзоси, Юристоконсулт

А.Ҳашимов

Котиб, Давлат харидлари мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

Мўминобод сув омборини лойқа-чўкиндилар миқдорини GPS қурилмали охирги русумдаги доплер-профилограф ва GPS қурилмали эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш бўйича.

Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан 2022-йил 20-октябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Мўминобод сув омборини лойқа-чўкиндилар миқдорини GPS қурилмали охирги русумдаги доплер-профилограф ва GPS қурилмали эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш бўйича № 22110012166165 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 27-октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Мўминобод сув омборини лойқа-чўкиндилар миқдорини GPS қурилмали охирги русумдаги доплер-профилограф ва GPS қурилмали эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш баённомасига асосан эълон якунига кўра Сувни

тежайдиган технологиялар илмий-тадқиқот консалтинг маркази ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси бош ҳисобчиси И.Ҳомидовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 27-октябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб Сувни тежайдиган технологиялар илмий-тадқиқот консалтинг маркази корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош муҳандис И.Турсунов ишларни бажарилиши ва хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

И.Турсунов

Раислик қилувчи

И.Ҳомидов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

А.Мустафаев

Комиссия аъзоси, Бош энергетик

Д.Жуманов

Комиссия аъзоси, Бош механик

М.Базаров

Комиссия аъзоси, Юристоконсулт

А.Ҳашимов

Котиб, Давлат харидлари мутахассиси

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 166165 на приобретение Мўминобод Сув омбори сиғимини махсус асбоблар билан ўрганиш ва уларнинг сиғимига аниқликлар киритиш

Способ проведения электронный

Дата 27.10.2022

Время рассмотрения 27.10.2022 16:45

Закупочная комиссия Самарқанд вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TURSUNOV IBROXIM RAXMATOVICH	Бош мухандис	Самарқанд СОФБ
Секретарь комиссии	XASHIMOV AMIN SHAVKATOVICH	Материал техник таъминот бўйича мухандис	Самарқанд СОФБ
Член комиссии	MUSTAFAYEV AKBARALI JO'RAQULOVICH	Бош энергетик	Самарқанд СОФБ
Член комиссии	BAZAROV MAXMUD RADJABOVICH	Бош юристконсультъ	Самарқанд СОФБ
Член комиссии	XOMIDOV ILXOMJON SUNNATULLO O'G'LI	Bosh hisobchi	Самарқанд СОФБ
Член комиссии	JUMANOV DILSHOD MURODOVICH	Bosh mexanik	Самарқанд СОФБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.10.2022 года № лота 166165.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Выполнение научно-исследовательских и опытно-технологических работ, разработка нормативно-правовых актов
Подробное описание	Выполнение научно-исследовательских и опытно-технологических работ, разработка нормативно-правовых актов
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	40 000 000.00
Стартовая сумма	40 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мўминобод сув омборини тўлдириш ва бўшатиш графигини ва ишлатилиш графигини алохида ишлаб чиқиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Мўминобод сув омборини тўлдириш ва бўшатиш графигини ва ишлатилиш графигини алохида ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY- TADQIQOT KONSALTING MARKAZI DM	20	Маълумот юкланган	20	Экспертная		
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	20	1	15	Экспертная		

Критерий №2 Ўлчаш ишлари сўнги русумдаги махсус аппаратларда олиб борилиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўлчаш ишлари сўнги русумдаги махсус аппаратларда олиб борилиши лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY- TADQIQOT KONSALTING MARKAZI DM	20	маълумот юкланган	20	Экспертная		
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	20	1	17	Экспертная		

Критерий №3 Сув омборини сиғимини махсус асбоблар билан ўрганиш ва уларнинг сиғимига аниқликлар киритиш ва лойқалигини ўлчашда малакали мутахассислар иштирокида ўтказилиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Сув омборини сиғимини махсус асбоблар билан ўрганиш ва уларнинг сиғимига аниқликлар киритиш ва лойқалигини ўлчашда малакали мутахассислар иштирокида ўтказилиши лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY- TADQIQOT KONSALTING MARKAZI DM	20	Маълумот юкланган	18	Экспертная		
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	20	Маълумот юкланган	20	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчининг сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш бўйича охириги икки йилда камида 2-3 та сув омбори объектларида бажарган ишлари тўғрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини аниқлаш бўйича охириги икки йилда камида 2-3 та сув омбори объектларида бажарган ишлари тўғрисидаги маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SUVNI TEJAYDIGAN	20	Маълумот	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TEKNOLOGIYALAR ILMIY-TADQIQOT KONSALTING MARKAZI ДМ		юкланган				
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	20	Маълумот юкланган	5	Экспертная		

Критерий №5 Кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY-TADQIQOT KONSALTING MARKAZI ДМ	20	Маълумот такдим килинди	20	Экспертная		
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	20	1	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY-TADQIQOT KONSALTING MARKAZI ДМ	40 000 000.00	39 500 000.00 UZS	39 500 000.00	00.00	39 500 000.00	27.10.2022 08:04:16	100
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	40 000 000.00	40 000 000.00 UZS	40 000 000.00	00.00	40 000 000.00	27.10.2022 08:14:01	98.75

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY-TADQIQOT KONSALTING MARKAZI ДМ	Прошел	100	100
SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR	Прошел	98.75	98.75

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 166165 от 27.10.2022 года на приобретение Мўминобод Сув омбори сифимини махсус асбоблар билан ўрганиш ва уларнинг сифимига аниқликлар киритиш определила победителем:

SUVNI TEJAYDIGAN TEKNOLOGIYALAR ILMIY-TADQIQOT KONSALTING MARKAZI ДМ

302938752

и резервный исполнитель: SUV XO'JALIGI MUHANDISLIK MAR (200523009)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	TURSUNOV IBROXIM RAXMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUSTAFAYEV AKBARALI JO'RAQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	BAZAROV MAXMUD RADJABOVICH	Согласен	
Член комиссии	XOMIDOV ILXOMJON SUNNATULLO O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	LUMANOV DILSHOD MURODOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**166165 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

01.11.2022 12:22

Комиссия раиси:

TURSUNOV IBROXIM RAXMATOVICH